

**"Андижон вилояти Асака туманидаги "Асака-адир" сув омборининг техник ҳолатини яхшилаш, унинг хавфсиз ва ишончли ишлашнинг таъминлаш"**

**БҮЙИЧА ПУДРАТ**

**ШАРТНОМА № 36**

Асака тумани

11- ноябрь 2022 йил

Бизлар ким қуйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан ўз низомига асосан фаолият курсатувчи "Андижонмахсуссупудрат" МЧЖ номидан директори Умурзаков Хуршудбек келгусида «**БАЖАРУВЧИ**» деб номланади, ва иккинчи томондан низомига асосан фаолият курсатаётган Норин-Қорадарё ИТХБ ҳузуридаги Шахрихонсой ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Одилов Давронбек келгусида «**Буюртмачи**» деб юритилувчи мазкур шартнома қуйидаги мазмунда туздиқ.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1 «**БАЖАРУВЧИ**» ўзига тегишли бўлган ва келишилган ишларни яъни, "**Андижон вилояти Асака туманидаги "Асака-адир" сув омборининг техник ҳолатини яхшилаш, унинг хавфсиз ва ишончли ишлашнинг таъминлаш**" лойиҳа смета ҳужжатларига асосан жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш мажбуриятини олади. "Буюртмачи" эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиб олиб ҳисоб китоб қилади.

**2. БАЖАРИБ БЕРИЛАДИГАН ИШЛАР СИФАТИ**

2.1. Бажариб бериладиган жорий таъмирлаш ишлари сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан белгиланган Давлат стандарти ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши лозим.

2.2. Бюджет ташкилотлари зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиши мумкин.

**3. ШАРТНОМАНИНГ ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Шартноманинг умумий суммаси **1.118.056.320** ( бир миллиард бир юз ун саккиз миллион эллик олти минг уч юз йигирма) сумни ташкил этади. Ҳисоб - китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома қўлга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг **3** банк иш кунинда «**БАЖАРУВЧИ**» жорий таъмирлаш ишларининг умумий суммасининг **15 %** ини яъни **167.708.448** (бир юз олтинчи етти миллион етти юз саккиз минг тўрт юз кичик саккиз ) сумини олдиндан аванс тариқасида «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. Қолган охириги **85 %** ини **950.347.872** (туққиз юз эллик миллион уч юз кичик етти минг саккиз юз етмиш икки ) сумини «**БАЖАРУВЧИ**» томонидан бажариладиган жорий таъмирлаш ишларнинг далолатномаси ҳисоб - варақ фактуралари асосида **5** банк иш кунинда ўтказиб беради.

3.5. «**Буюртмачи**» томонидан **15 %** и миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «**БАЖАРУВЧИ**» **10** банк иш кунини давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, хизмат турларини «Буюртмачи»га бажариб беради. **НДС 145.833.433** сум

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1 «**БАЖАРУВЧИ**» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Бажариладиган жорий таъмир ишлари учун олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тўла ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртманомасига мувофиқ бажарилиши керак бўлган жорий таъмирлаш ишларини қабул қилиш асосисиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплаишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2 «**БАЖАРУВЧИ**» қуйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг **3.4**-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорда бажариб бериш;

- Агар бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш жараёнида «**БАЖАРУВЧИ**» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар **3**-кун муддатда бепул хал қилиб бериш;

4.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

- «**БАЖАРУВЧИ**» дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

- «**БАЖАРУВЧИ**» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомасига мувофиқ тегишли сифатларда жорий таъмирлаш ишларини бажариб берилишини талаб қилиш;

- Баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаишини «**БАЖАРУВЧИ**» дан талаб қилиш;

4.4. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» «**БАЖАРУВЧИ**» ушбу шартнома буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш санасидан **1** кун аввал ёзма ёки электрон (факс, телефон) тарзда буюртманомаси юборилади

- ўз буюртманомаси буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариб берилишини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажариб бериладиган хизматларни “БАЖАРУВЧИ” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши холлари аниқланган тақдирда “БАЖАРУВЧИ” бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини сифатини шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб - китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари “Буюртмачи” га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 15% миқдориди жарима тўлайди.

6.2. Агар бажарилган хизмат сифати, ассортимент, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган бажарилдиган хизмат қийматининг 15% миқдориди жарима тўлайди.

6.3. Бажарилган хизмат буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи “Буюртмачи” га белгиланган устамалардан ташқари бажарилиши керак булган жорий таъмирлаш ишларнинг 20% миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари “БАЖАРУВЧИ” “Буюртмачи”га бажариладиган хизматини бажаролмаслиги натижасида аниқланган зарарни тўлайди.

6.4. Бажариб бериладиган жорий таъмирлаш ишларни кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда “БАЖАРУВЧИ” “Буюртмачи”га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдориди пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган хизмат қийматининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

6.5. Бажарилган хизмат учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “БАЖАРУВЧИ”га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдориди пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача хал этиш чорларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади

## 8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тзғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.

8.2. Форс мижор ҳолатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.

## 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

9.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил декабргача амал қилади.

31-

9.2. Шартнома 2 (икки) нусхадда тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

## 10. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

### « БУЮРТМАЧИ »

Номи: Норин-Қорадарё ИТХБ ҳузуридаги Шахрихонсой  
иригация тизими бошқармаси  
Манзили: Асака т Имом Бухорий кўчаси 33 уй  
Тел/факс: 232-33-36  
ШХР²: 100021860032247042402170002  
ИНН: 305916144 ОКОНХ: 22100  
Банк: Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Ғазначилиги

Ғазна ҳисоб рақами¹: 23402000300100001010

МҒБ ББХКМ Тошкент шаҳар

МҒФО: 00014- ИНН: 201122919

Раҳбар: \_\_\_\_\_ Д.Одилов

Юрист

### « БАЖАРУВЧИ »

“Андижонмахсуссўвудрат” МЧЖ  
Андижон шаҳар А.Юлдашев кўчаси 279 уй  
Хамкорбанк Нодирабегим филиали  
МҒО: 00079  
ИНН: 206958134  
Хр: 20210000604699153001

Директор: \_\_\_\_\_ Х.Умурзаков

А.Ваҳобжонов

*Юрист: Фарҳад А. Ваҳобжонов*